

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 6-FEVRAL, PAYSHANBA, 16 (8253)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛАР ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2013 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ БОШЛАНДИ. ТИББИЙ КЎРИК, СИНОВ ВА ТАНЛОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КУЗАТИЛМОҚДА.

2

САҲИФАЛАРДА:



«ЖАЙРОН»ДА ПРЖЕВАЛЬСК
ОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

2

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ УЧУН
МОБИЛЬ ЕЧИМЛАР



4



ЭНГ КАТТА КАРТОШКА

8

ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛАР ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

(Боши 1-саҳифада)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ му-
дофаа ишлари бошқармаси
чақирув пунктида бўлиб ўтган
тантанали кузатиш маросими-
да давлат ва жамоат ташки-
лотлари вакиллари, фахрий-
лар ҳамда чақирилувчиларнинг
ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги хузурида-
ги Жамоатчилик кенгаши аъзо-
лари, “Маҳалла” хайрия жамо-
ат фонди, “Нуроний” жамғар-
маси, “Камолот” ёшлар ижти-
мой харақати вилоят кенгаши
вакиллари ҳамда ота-оналар
Ватанга хизмат ҳар бир йигит-
нинг муқаддас бурчи экани
ҳақида сўзлаб, бўлажак аскар-
ларнинг халқимиз осойиштали-
ги, сарҳадларимиз дахлсизли-
гини таъминлаш йўлидаги хиз-
матларига муваффақият тилади.

Яхёхўжа Қурбонов муддатли
ҳарбий хизматга бориш учун
жиддий тайёргарлик кўрди,
спорт билан мунтазам шугул-
ланди. Чақирилувчилар ўртаси-
да ўтказилган синовларда
юқори балл тўплашида унинг
бу тайёргарлиги қўл келди.

– Синов ва танловлардан
муваффақиятли ўтиб, йигитлик
бурчимни ўташ шарафига му-
яссар бўлаётганимдан, орзу-
им ушалганидан хурсандман,
– дейди Яхёхўжа. – Менга
билдирилган бу юксак ишонч-
ни ҳарбий хизмат давомида
оқлашга астойдил ҳарақат
қиламан.

Куй-қўшиқ ва бадий жамо-
аларнинг чиқишлари тадбир-
га кўтаринки руҳ бағишлади.

Х.САЛИМОВ,

ЎЗА мухбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

мудофаа ишлари бошқармаси-
да ўтказилган шундай маро-

симда маҳаллий ҳокимият,
давлат ва жамоат ташкилотла-
ри вакиллари, фахрийлар
ҳамда чақирилувчиларнинг
ота-оналари иштирок этди.

Вилоят мудофаа ишлари
бошқармаси бошлиғи вази-
фасини бажарувчи, подполковник
Муҳаммадjon Иномов, Ангор
тумани ҳокими ўринбосари, ту-
ман хотин-қизлар қўмитаси ра-
иси Шоира Ражабова ва бош-
қалар давлатимиз раҳбари та-
шаббуси билан Қуролли Куч-
ларимизда амалга оширилаёт-
ган изчил ислохотлар самара-
сида профессионал миллий
армиямиз шакллантирилгани
сарҳадларимиз дахлсизлиги,
Ватанимиз тинчлиги ва халқ-
миз фаровонлигини таъмин-
лашда муҳим омил бўлиб хиз-
мат қилаётганини таъкидлади.

Бойсун туманининг Пойга-
боши маҳалласидан муддатли
ҳарбий хизматга чақирилган
Азиз Абдуғаниев ўтган йили
Термиз тиббиёт коллежини
аъло баҳоларга тугатди. Спорт
билан мунтазам шугулланиб,
муддатли ҳарбий хизматга ас-
тойдил ҳозирлик кўрди. Чақи-
рув мавсумида жисмоний тай-
ёргарлик ва тест синовлари-
дан етарли балл тўплаб, муд-
датли ҳарбий хизматга йўл-
ланма олди.

– Миллий армиямиз сафла-
рида хизмат қилиш шарафига
муяссар бўлаётганимдан
фахрланаман, – дейди Азиз.
– Бу орзуимнинг амалга оши-
шида спорт билан шугуллан-
ганим ва мактабда барча фан-
ларни чуқур ўзлаштирганим
жуда қўл келди. Муддатли ҳар-
бий хизматдан қайтгач, шифо-
корлик касби бўйича ўқишни
давом эттирмақчиман.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,

ЎЗА мухбири.



ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ДЕХЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртларидан бири –
Жавоҳарлал Неру номли университетда Талабаларнинг
XIX халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Деҳлида таҳсил оладиган чет эллик талаба-
лар, шу жумладан, ўзбекистонлик ёшларнинг иштирок этиши
анъанага айланган. Улар ҳар йили ўз халқлари миллий таомла-
рини тайёрлашдаги маҳоратларини намойиш этишади. Сўнгра
тайёр бўлган турфа хил таомлар тадбир иштирокчилари ўрта-
сида баҳам кўрилади.

Бу йил ҳам ушбу тадбир доирасида мамлакатимизнинг
Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида Ўзбекистон
бурчаги ташкил этилди. Фестивалда палов, сомса, норин,
чучвара сингари ўзбек халқ миллий таомлари билан бир
қаторда ширин кулча, чак-чак, ҳолвайтар каби ширинликлар
ҳам тақдим этилди.

**Тадбир ташкилий қўмитасининг раиси, Халқаро тала-
балар уюшмаси президенти Латетти Мартел хоним** ўзбек
миллий таомлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини ўртоқлашар экан,
жумладан, шундай деди:

– Ҳақиқий таомлар байрами бўлган ушбу фестивалда ўзбек
талабалари томонидан тайёрланган миллий таомлар ранг-ба-
ранглиги ва хуштаъмлиги билан ажралиб турди. Тадбирнинг
барча иштирокчилари бу фикримни тасдиқлашларига ишончим
комил. Чунки Ўзбекистон бурчаги тадбирнинг охиригача жуда
гавжум бўлиб турди. Айниқса, ўзига хос тайёрланиш услубига
эга бўлган палов ҳаммага ёқди.

Ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишда тиришқоқ эканликла-
рини кузатиб келаман. Улар талабалар ўртасида ўзаро дўстлик
ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган
ушбу маданий тадбирда ҳам ўзларининг ташкилотчиликларини
ҳамда пазандаликларини намойиш қилдилар.

«Жаҳон» АА

Деҳли

“РОБОТЖОН”ЛАР ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ

**Москва шаҳрида жорий йилнинг
25–26 январь кунлари “АСР Geek
Picnic” кўргазмаси ўтказилди.
Икки кун давом этган кўргазма-
танловда Ўзбекистон, Россия,
Украина, Беларусь, Франция ва
бошқа давлатлардан 60 га яқин
жамоа иштирок этди.**

Хусусан, Тошкент шаҳридаги Турин поли-
техника университетининг мехатроника мар-
кази ишланмалари кўргазмада эътирофга са-
зovor бўлди.

Кўргазма мураккаб технологиялар соҳаси-
да эришилган ютуқларни тарғиб қилиш ҳамда
ёшлар орасида замонавий технологияларга
бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида
ташкил этилган бўлиб, унда кичик роботлар,
учувчи мосламалар, гуманоид роботлар, мега
роботлар, 3Д принтерларда робот қисмла-
рини ясаш бўйича ишлар намойиш этилди.

Шунингдек, кўргазма давомида мега сумо,
мини сумо, микро сумо, нано сумо, лево сумо
ва гуманоид сумо баҳслари ўтказилди.

Кўргазманинг мини сумо ва микро сумо
турларида мамлакатимиз вакиллари ўзла-
рининг “Роботжон” ҳамда “Микро Роботжон”
деб номланган ишланмалари билан қатнаш-
ди. Юртдошларимиз ушбу кўргазмада бир-
ринчи мартаба қатнашганликларига қара-



май умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни
эгаллашди.

Юртдошларимиз томонидан тақдим этил-
ган робот эса мусобақада “Энг технологик
робот” деб топилди ва унинг яратувчиларига
фахрли дипломлар топширилди.

ГИЛАМ ЭЛЕКТР ТОКИ ЧИҚАРАДИ

**Ўзбекистон Миллий университетининг Механика-математика факультети тала-
балари Темур Назметдинов ва Илҳом Бакиев механик шаклда энергия, яъни
электр токи ишлаб чиқарувчи гилам ихтиро қилишди.**

Палоснинг орасига механик ҳарақат ва
туртки сабабли энергия ҳосил қиладиган чип-
лар ўрнатилган бўлиб, унинг устидан юриб
ўтганда электр токи ишлаб чиқарилади. Ушбу
ихтиро энергияни тежашга хизмат қилиши

мумкин. Масалан, электр гиламчани одамлар
кўп ўтадиган жойлар, хусусан, дўконларнинг
остонасига тўшаб қўйилса, ушбу механик
шаклда электр қувватини олиш технология-
сидан самарали фойдаланиш мумкин.

АЙДАРКЎЛДА КАМЁБ ҚУШ ҚИШЛАМОҚДА

**Мамлакатимиз экологлари томонидан Айдар-Арносой кўллари тизими ҳудудида
Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган камёб қуш – кичик оқ қарқаранинг
қишлаётгани қайд этилди.**



Юртимизда оқ қарқара ўтган асрнинг 60-
йилларига қадар асосан Амударё ҳамда Орол-
бўйи ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, ке-
йинги йилларда сув ресурсларидан нотўғри
фойдаланиш натижасида экологик тизим бар-
қарорлигига путур етиши, қушларнинг яшаш
маконлари қисқариб кетиши сабабли кўпгина
ҳудудларда ушбу тур популяцияси камайиб кет-
ган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида ушбу тур-
даги қушларнинг сони жами 400 жуфт атро-
фида бўлиб, 100 га яқини Айдар-Арносой
кўллари тизими ҳудудида макон тутган.

Ушбу камёб қуш тури, шунингдек, Шар-
кий Европа, Жанубий, Марказий, Фарбий
Осиё ҳамда Африка ҳудудларида ҳам исти-
қомат қилади.

«ЖАЙРОН»ДА ПРЖЕВАЛЬСК ОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Маълум бўлишича, 2012 йилдан олиб борилаётган Пржевальск отлари
популяциясини кўпайтириш бўйича лойиҳа ижобий самара бера бошлади.
Дастлабки ютуқ кўлга киритилди. Эркинликка қўйиб юборилган отлар таби-
ий кўпая бошлади.**


2012 йил август ойида “Жайрон” Экомарка-
зида мослашув жараёнини ўтаган 12 та Прже-
вальск оти ҳамда 7 та қулони эркинликка қўйиб
юборилган эди. Экологлар жорий йил об-ҳаво-
си мураккаб келган бўлса-да, отлар янги ту-
ғилган “меҳмон” билан хурсанд қилганини
маълум қилишган.

Пржевальск отларининг эркин ҳолдаги по-
пуляцияси бугунги кунда Мўғилистон, Хитой,
Украина, Венгрия давлатлари ҳудудида мавжуд.



КУРАКБУРУН БАЛИҚЛАРИ ЯНА АМУДАРЁДА

**Хоразм Маъмур академияси ходимлари айна пайтда минтақада осётрсимон
балиқларнинг энг ноёб турлари – Амударё катта ва кичик лопатонларни
кўпайтириш устида изланмоқда.**



Ушбу турлар Ўзбекистон
«Қизил китоб»ига киритилган
бўлиб, нафақат мамлақати-
мизда балки бутун сайёра-
мизда ноёб ҳисобланади.

Айтиш жоизки, олимлари-
миз бу борада хориждаги,
Орол денгизи, Амударё ва
Сирдарё дельталари ихтио-
логиясини (балиқларни ўрга-
нувчи фан йўналиши) ўрга-

нувчи нуфузли илмий мар-
казлар билан ҳамкорлик
қилишмоқда.

Илмий номи скафирингус
бўлган осётрсимон балиқлар
туркумига кирувчи лопато-
нос асли “амударёлик” ҳи-
собланиб, унинг номи боши-
нинг шаклига нисбат бери-
либ, шундай аталади.

О.АБДИЕВ тайёрлади.

Қорақалпоғистон Республикаси

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Оролбўйида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон филиалидаги ишлар эътирофга лойиқ.

– Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тарбиясида маҳаллий жамоатчиликнинг ролини ошириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан қатор тағбирот-ташвиқот ишлари олиб боряпмиз, – дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон филиали директори Оразгул Ембергенова. – Ўтган йили олиб борилган ишларда «Обод турмуш йили» Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, бадий гимнастика бўйича мусобақа, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Менинг онам», «Онам учун совға» мавзуида танловлар ўтказилди. Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар билан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган «Отам, онам ва мен спортчи оила» спорт мусобақаси ташкил этилди. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан



ҳамкорликда «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган акция доирасида уруш фахрийлари, ногиронлар ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг аҳолидан хабар олинди. Керакли ўқув куроллари ва дори-дармонлар тарқатилди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом шахс этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 2013 йилнинг 19-27-октябрь кунларида «Саломатлик поезди» ташкил этилди. Ушбу тадбир доирасида Кўнғирот туманининг энг чекка Қорақалпоғистон ва Жаслик кўрғонларида истиқомат қилувчи 963 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, экологик шароити ноқулай бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли малакали мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилди, ижтимоий кўмак берилди.

Айтиш жоизки, жорий Соғлом

бола йилида ҳам бу борадаги эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Хусусан, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида «Нафосат олами» шиори остида спорт фестивали ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилоси», умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Ер куррасида тинчлик» расмлар танлови, ёш мусикачилар ўртасида мумтоз мусиқа бўйича «Санъат гунчалари», миллий халқ чолғу асбоблари бўйича «Наврўз садолари» фестивали ўтказилади. Ҳар бир байрам муносабати билан ногиронлардан, ота-онасиз қолган болалардан, Меҳрибонлик уйи, махсус интернат тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар олинади. Филиалнинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси мутахассислари томонидан чекка қишлоқлар аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилиб, мурувват ёрдамлари кўрсатилади.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Навоий Вилояти

Биламизки, фақат яхши гап, меҳр кўрса-тиш ва астойдил яхши кўриш билан боланинг кўнглига, дунёсига кириш мумкин. Бусиз ўқитувчи бўлиб, ўқувчи эътирофига қозониш ва ишда бирон муваффақиятга эришиш сира мумкин эмас. Ана шундай туғма салоҳиятли устозлар илғор педагогик технологияларнинг янги турларини фаолиятларида қўллайдилар.

БОЛАНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

Мен аксарият пайтда дарсларимни ўқувчи лаёқатига қараб компьютерлардан, слайдлардан фойдаланиб, музокара, тушунтириш, «Хотира машқи» тарзида ўтаман. Кўргазмали воситалару расмлардан, ҳаётий мисоллардан фойдаланаман. Масалан, «Хотира машқи» усулида дарс ўтадиган бўлсам, тест саволлари тарқатгач, ўқувчиларга 5 дақиқа вақт бераман. Болалар китобларидан мавзуларни топишади. Саволлар бўйича тайёрланиб олишгач, жавобларини эшитамиз. Ундан сўнг яхши ўзлаштирмаётган тўрт-беш ўқувчини якка-якка ҳолатда чиқариб, ўртоқлари айтган жавобларни эслашни таклиф қиламан. Ютуқлар баҳолашиб борилади. Энг кўп эсланган ўқувчи ғолиб бўлиб, қолганлари ҳам сўз билан рағбатлантирилади.

Кейин беш нафар ўқувчи чиқиб, улар ҳам синфдошлари томонидан айтилган мавзу бўйича жавобларни эслашади. Фақат бири айтган гапни иккинчиси такрорласа, буни қабул қилмайман. Бунда ҳам баҳолаш ва рағбатлантиришлар бўлади. Ҳар икки жараёнда ҳам болалар такрор айтиш ва эслашлар туфайли мавзуну чуқур билиб олишади. Шунинг баробарида яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчи ҳам ўз устида ишлаш рағбатини топади. Охирида мавзуну ўзим яна мустаҳкамлаб тушунтириб ўтаман.

Ўтган ўқув йилида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови вилоят босқичида иштирок этганимда ҳам ушбу усулдан фойдаландим. Синфга кириб бордим. Мутлақо нотаниш ўқувчилар. Лекин мен уларга қарата бир гапни айтдим. «Сизлар менинг болаларим ва ўқувчиларим. 40 минут ана шундай она-бола, устоз-ўқувчи бўлиб, бирга ҳаракат қиламиз. Сизлар мени қўллаб-қувватлайсизларми?»

Мана шу гапимнинг ўзиёқ уларни менга бутунлай яқинлаштириб қўйди. Ўша кунни вилоятдан 2-ўринни олиб, қайтдим. Энг асосийси, ўша ўқувчилар мени ҳар лаҳзада нигоҳлари билан ардоқлаб турганларини ҳис қилдим. Бундай вазиятлар ўзим ишлаётган мактаб болалари билан ҳам жуда кўп бўлиб туради, ҳар гал бундай ҳолатга дуч келганда, энг катта муқофот олгандай бўламан. Ўрни келганда айтайин, мен «ёмон бола бўлмайди, балки фарзанд тарбияси билан яхши шуғулланмайдиган, устоз, мураббий бўлади», деб ҳисоблайман.

Зулхумор СУЛТОНОВА,
Наваҳор туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Қашқарё Вилояти

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

“Туронбанк” ОАТБнинг Қарши филиали доимо мижозлар билан гавжум. Сабаби, бу даргоҳга молиявий кўмак сўраб келган тадбиркору фермерлар ноумид қайтишмайди.

– Фаолиятимизда ушбу банкнинг молиявий кўмаги жуда асқотди, – дейди “Шухрат Гранд фитнес” фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Ҳайитов. – Балиқчиликни ривожлантиришни режалаштиргандик. Жой бор, сув ҳам етарли, аммо сув ҳавзаси қазिश ва унга обихаётни келтириш ишларида маблағ етишмасди. Шу боис, банкка кредит сўраб, мурожаат қилдик. Тегишли ҳужжатлар тайёр бўлгач, банк ходимлари қисқа фурсатда 85 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозирда ана шу маблағ эвазига балиқчилик хўжалигини ташкил қилдик. Тўрт нафар коллеж битирувчисини доимий иш билан таъминладик.

– Мен эса зотдор қорамоллар харид қилиш учун

банкдан 50 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит олдим, – дейди Миришкор туманида яшовчи тадбиркор Дилшод Мейлиев. – Натижада ишларим юришиб бизнесимни йўлга қўйиб олдим. Шунингдек, қишлоқдаги уч нафар ёшлар доимий ишли бўлишди.

Банк ҳақидаги бундай илиқ фикрларни Қарши шаҳридаги “Грант Плитка” хусусий корхонаси раҳбари Саъдулла Тожиев, тадбиркор Насиба Очилова каби мижозлардан ҳам эшитдик.

“Туронбанк”нинг Қарши филиали тассаруфида тўртта мини-банк мавжуд бўлиб, уларнинг иккитаси Қарши шаҳрида, қолган иккитаси эса Нишон ва Миришкор туманларида жойлашган.



– Мижозларимизнинг банкка бўлган ишончи йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, – дейди “Туронбанк” ОАТБнинг Қарши шаҳар филиали бошқарувчиси Фанишер Ҳайдаров. – Жамоамиз тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам эътиборга молик ишларни амалга ошириб келяпти. Ўтган йили 122 та кичик бизнес субъектларига

7 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Ушбу сармоялар эвазига 150 тадан зиёд янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга эса 894 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Озиқ-овқат ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 634 миллион сўмлик сармоялар йўналтирилган бўлса, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчи-

ликни ривожлантириш, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ҳам салмоқли кредитлар берилди.

Бундан ташқари, банкда барча замонавий хизмат турлари ташкил қилинган. Мижозлар учун халқаро пул ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғи йўлга қўйилган. Мижозларга қулай бўлиши учун “Интернет – банкинг”, “SMS-банкнинг” хизмат турлари жорий этилган. Банк мижозлари масофадан туриб ҳам бемалол банк хизматларидан фойдалана олишади.

Ҳа, банк жамоаси мижозлар хўрмати ва ишончига сазовор бўлишяпти. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ривож ва эл фаровонлигига замин яратади.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Акмал АЗИМОВ олган сурат.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР

СОҲА ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАФОЛАТЛАЙДИ

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, фуқароларнинг қонуний манфаат ва эркинликларини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 21 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ҳам шу каби эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур Қонун 26 моддадан иборат бўлиб, ундаги 6 та моддага асосан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодексларига, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунларига, “Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом”га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган суд-ҳуқуқ тизими оид муаммоларни ҳал этишга, жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Унга кўра, биринчидан, судьяликка минимал ёш 25 ёшдан 30 ёшга ўзгартирилди. Иккинчидан, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камидан беш йиллик меҳнат стажига эга

бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судья бўлиши белгилаб қўйилди. Учинчидан, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва иш ўрганиши шартлиги, шу даврда асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазибаларини бажаришдан озод қилиниши қайд этилди. Бу жуда ҳам муҳим бўлиб, инсон тақдирини ҳал қиладиган, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм, ҳал қилув қарори чиқарадиган судья тегишли тажрибага, малакага эга бўлиши, ўз касбининг устаси сифатида бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Шу вақтгача амалда бўлиб келган 25 ёш таълим тизимида бўлиб ўтган туб ислохотлардан аввал қабул қилинган бўлиб, бўлажак мутахассис ҳозирги 12 йиллик умумий ўрта таълим ҳамда олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларини битиргунча салкам 25 ёшга тўлиб қолаётган эди. Шундан келиб чиқиб қараганда, судьяликка талабгор бўлган киши камидан 30 ёшга тўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш давомида суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсати моҳирини чуқур англаб олиш, ислохотларни етарлича ўрганиш, мавжуд шароит билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Тўртинчидан, судьяларнинг ижтимоий муҳофазасига оид нормалар белгиланиб, унга кўра судьялар ўз хизмат вазибаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод этилиши, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари туганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши,

бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши, ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолиниши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган ҳамда фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган, мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадиган, қабул қилган ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий бўлган судьяларнинг обрўси, уларнинг нуфузи давлатнинг обрўси ва нуфузидир. Шунинг учун мазкур касб эгаларининг иш ҳақи муносиб даражада бўлиб, фаолиятининг ижтимоий кафолатлари, таъминоти, молиявий манбалари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур қўшимчалар ҳам ўта муҳим аҳамият касб этиб, ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлмиш суд ҳокимиятининг давлат ва жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, судьялар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Чунки, ўз соҳаси бўйича пухта билимга эга бўлган, малакали, ҳар томонлама ижтимоий ғимояланган судьяларгина мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили, ҳуқуқий давлат кафолатининг мустаҳкам таянчи бўла олади.

Миравзал МИРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.

▼ АКТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ УЧУН МОБИЛЬ ЕЧИМЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни демократлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти бекиёсдир. Шу туфайли ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, жамият ҳаёти ва бошқаруving барча жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий қилиш ва улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва жаҳон ахборот ресурсларига уланиш имкониятларини кенгайтириш асосий вазибалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда “Электрон ҳуқумат”, “Электрон тижорат”, “Электрон тўлов” ва бошқа замонавий ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимлардан фойдаланиш кўпгина қулайликларни яратади. Жумладан, мобиль ва Интернет-банкнинг тизимларининг янада кенгайтириши, электрон пул айланмаси ва электрон тижоратнинг ўсишига хизмат қилмоқда. Пул муомаласи тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланишини рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пуллар айланмасини қисқартириш мақсадида мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида электрон тўловларни амалга ошириш

ва “Мобильбанкнинг” тизимининг энг замонавий амалиётларини қўллаш асосида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун янада қулай шароитлар яратилмоқда.

“CLICK” бугунги кунда ушбу соҳада фаолият олиб бораётган самарали тизимлардан бири ҳисобланиб, у жисмоний шахсларга воситачилик ҳақсиз хизмат кўрсатади. Тизим орқали телефон, интернет-провайдерлар ва рақамли телевидение, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш, тизимнинг бошқа фойдаланувчисига тегишли банк депозит ҳисобварағига маблағ ўтказиш, интернет-дўконларидан харид қилиш ёки таомларга буюртма бериш ва бошқа шу каби хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Тизим ўтказилган тўловлар тарихини кўриш, ба-



лансларни текшириш ҳамда банк ҳисобварақлари ва пластик карталар бўйича операциялар тўғрисида SMS-хабарнома-лар олиш ва яна турли хил операцияларни бажаришга йўл очади. Ушбу тизимнинг оммавийлашишига таъсир этувчи омиллардан бири шуки, интернетга киришни ҳамда телефонга қўшимча дастурлар ва иловаларни ўрнатишни талаб қилмайди, шунингдек, телефон баланси нолга тушиб, алоқа чекланган ҳолларда ҳам тизимдан узлуксиз фойдаланиш мум-

кин. Ахборот хавфсизлиги таъминланган бўлиб, тўловлар бўйича ва шахсий маълумотлар CLICK-PIN коди билан ишончли тарзда ҳимоя қилинган. Менюнинг тузилиши ва тўловларни амалга ошириш жараёни эса оддий ва тушунарлидир.


“CLICK” тизимига банкларнинг UzCARD онлайн-пластик карталари орқали уланиш мумкин бўлиб, бунинг учун мобиль телефон рақамига «SMS-хабарнома» хизматини улатиш лозим.

Офлайн пластик карталар эгалари ва пластик карталарга эга бўлмаган шахслар ҳам эътибордан четда қолмаган. Бундай фойдаланувчилар учун тизимга банк бўлиналари орқали уланиш кўзда тутилган.

“CLICK” тизими фаолияти мамлакатимизда молия ва ахборот-коммуникация технологияларининг жадаллик билан ривожланиб бораётганлигига яққол мисол бўла олади. Бу мамлакатимизда молия ва банк хизматлари соҳасида илғор интернет амалиётларини қўллаш ва ривожлантиришда янги ютуқларни қўлга киритишга йўл очади ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти



БАРҚАРОР ФАОЛИЯТГА МУСТАҲКАМ АСОС

Ўта муҳим объектларда хавфсизликни таъминлашни ташкил этишни назорат қилиш бўйича идораларора Республика комиссияси томонидан “Бухоро нефтни қайта ишлаш” аводи 2013 йилдаги “Энг илғор объект” ва Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ ёнгин хавфсизлиги отряди ўта муҳим объектларни ёнгиндан сақлаш бўйича “Энг илғор бўлинма” сифатида эътироф этилди.

Бухоро вилояти Қоровул-бозор тумани ҳудудида жойлашган “Бухоро нефтни қайта ишлаш” заводида нефть ва углеводород хомашёси катта босим, юқори даражадаги иссиқлик таъсирида қайта ишланади ва аҳоли ва санот учун керакли нефть маҳсулотлари олинади.

Завод ишлаб чиқариш хусусиятига кўра, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ўта муҳим объект ҳисобланади. Бу эса нафақат ёнгин хавфсизлиги ходимлари, балки ҳар бир ишчи ва муҳандис зиммасига масъулият юклайди.

Шу боис, ишчи-хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни содир бўлиши мумкин бўлган фақулда ҳолатларга тайёрлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида завод ўқув марказида 2649 нафар турли тоифадаги ишчи-хизматчилар малака оширишди.

Содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатларини бартараф қилиш режасига асосан цехларда ишчи-хизматчилар ва заводимизда фаолият кўрсатаётган тезкор хизматлар иштирокида 798 марта амалий ўқув-машғулотлари ўтказилди.

Техника, электр ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажарилиши ҳамда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида 158 марта назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун керакли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бахтиёр ЮНУСОВ,
“Бухоро нефтни қайта ишлаш” заводи етакчи муҳандиси.

ДИҚҚАТ!



ЎЗГАГРОСУҒУРТА» ДАСК (ОАЖ) МИЖОЗЛАРИ!

«Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) ходимлари ёки суғурта агентлари томонидан Сизга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар гувоҳи бўлсангиз ёки:

— Сизнинг даъво аризангизни ўз вақтида кўриб чиқиши учун ҳамда суғурта товони тўлашда Сиздан қонунда кўрсатилмаган ортиқча пул маблағи талаб қилинганда;

— Суғурта товонини олишингиз учун қонунда кўрсатилмаган ҳужжатлар талаб этилганда;

— Сизнинг аризангизни кўриб чиқиши муддати Қонун билан белгиланган муддатда ва Сизга маълум қилинмаган ҳолда асоссиз узайтирилганда;

— Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта турлари бўйича суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта мукофоти миқдори асоссиз равишда оширилиб ҳисобланганда ёки

Компаниянинг масъул ходимлари аралашуви зарур бўлган ҳолатларда қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишингизни сўраймиз.

СУҒУРТА ТОВОНИ ТўЛАШДАГИ САВОЛЛАР УЧУН:
(+99871) 239-12-66

СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДАГИ САВОЛЛАР УЧУН:
(+99871) 239-12-88; (+99871) 239-13-50



ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ
(+99871) 239-29-54;
(+99871) 239-11-01

БАРЧА САВОЛЛАР БўЙИЧА:
(+99871) 200-95-95
(мижозларга 24 соат давомида хизмат кўрсатиш)

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ТАШОБЛҲОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Капитальная реконструкция общежития на 100 мест профколледжа сферы «Транспорт и сервис» в Паркентском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – 1 268 700 000 сум.

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – 1 057 250 000 сум.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 210 календарных дней.

Источники финансирования: Государственный бюджет.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект А.Темура 17. Тел: 233-06-95.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, на-

личие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 15 дней со дня публикации объявления.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БўЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БўЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 31-1. Сайхунобод тумани «Истиклол» ҚФЙ Иттифоқ массивидаги уй-жойларга сув тармогини ўтказиш (ташқи ичимлик сув тизими, сув минораси, ЛЭП 10 КВТ ва КТПС).

Бошланғич нархи ҚҚС билан 128 334 533 сўм, ҚҚСсиз 106 945 444 сўм.

Қурилиш муддати – 105 кун.

Лот 31-2. Сайхунобод тумани «Ўзбекистон» ҚФЙ Ҳисор маҳалласига тик қудуқ қазииш ва сув тармогини ўтказиш.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 296 326 089 сўм, ҚҚСсиз 246 938 408 сўм.

Қурилиш муддати – 145 кун.

Гулистон тумани «Зарбдор» ҚФЙ Янгилик массивидаги 156 та уй-жойлар учун сув тармогини ўтказиш.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 476 445 110 сўм, ҚҚСсиз 397 037 592 сўм.

Қурилиш муддати – 90 кун.

Сирдарё тумани «У.Юсупова» ҚФЙ Бахт массивидаги 60 та уй-жойларга сув тармогини ўтказиш.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 407 812 804 сўм, ҚҚСсиз 339 844 003 сўм.

Қурилиш муддати – 90 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар М.Ахтамова кўчаси 30-уй. Тел: (8-367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 % миқдоридеги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошланғич қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солигидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8-367) 227-64-42.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 79 568 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Тошкент ш. Юнусобод т. хокимлиги томонидан рўйхатга олинган «CREATIV CERAMIC» МЧЖ Устав фонди 21 000 000 сўмдан 9 000 000 сўмга камайитирилиши маълум қилади. Жамиятнинг Устав фонди 12 000 000 сўм деб белгиланади. Маълумот учун тел.: 127-72-32.

Тошкент ш. Олмазор т. Ободонлаштириш Бошқармаси балансига ўтказилган «YO'LKO'PRIKTA'MIRINTISOS» трестига тегишли бўлган, Олмазор т. Қорасарой кўч. 341-уй манзилида жойлашган кадастр рақами 10080301020059 бўлган механизациялаштирилган бошқарма объектнинг кадастр ҳужжатлари учун ер участкасига берилган О'У 252138 гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСПҲИ томонидан (реестр № 002481-01, 11.11.2013 й.) рўйхатдан ўтган «MUSHTARIY-FAYZLI RIVOJ» МЧЖ (ИНН 300961940) Устав фонди 164 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Тел.: 313-40-05.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСПҲИда (05.10.2007 й., реестр № 001822-01) рўйхатдан ўтган «TASH BROK SERVIS» ХКга (ИНН 300583952) тегишли бурчак тамга йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянний угловой штамп ООО «TAXI MILLENIUM» (ИНН 205807686), зарегистрированного Хокимиятом Юнусабадского р-на, считать недействительным.

